

Ўзбекистон учун, бугунги ва келажак авлод учун энг катта бойлик — элнинг тинчлиги ва осойишталиги

Куч — адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 2000 йил, 11 август, № 29 (264) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

● Яқинда Термиз шаҳрига таширф чоғида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг армиямиз, бизнинг чегарачиларимиз ҳеч бир соҳада ҳеч қимдан кам эмас. Улар Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишга, халқимизни ҳар қандай қуролли ҳужумдан асрашга қодир. Мен Термизда, мамлакатимизнинг бошқа жойларида оддий одамлар билан учрашиб, яна шу нарсаларга амин бўлдимки, бизнинг ҳар қандай босқинчиликка, ҳар қандай бузғунчиликка қарши қудратли ва ишончли қуролимиз бор. Бу — халқимизнинг бирлиги, жипслигидир.

Ислом КАРИМОВ.

Истиқлол байрамига 21 кун қолди ВАТАННИ СЕВ...

Истиқлол! Юраклар ҳаяжонда! Юртимизда бўлаётган буюқ ўзгаришлар қалбимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Ўзбекини, Ўзбекистонни дунё таниди! Ким эди-гу, ким бўлди? Эрки, озодлиги бўлган, ўз ерида ўз сўзини баралла айтмаган халқимиз бошида Истиқлол кўёши порлаганига бир неча кундан сўнг 9 йил тулади. Ана шу лаҳзаларда «Мен Мустақилликка нима бердим?» деган савол ҳар бир ўзбек фуқаросини ўйлантириши табиий.



Дарҳақиқат, мустақиллик халқимиз учун янги-янги имкониятлар очди, у туфайлигина ўз заминимизга, эркимизга, муқаддас динимизга қайта эга бўлди.

Мустақиллик биздан катта нарсаларга эга бўлди. Ҳар биримиз ўз урни-мизда сидқидил, ҳалол, виждонан меҳнат қилиб, Ватан равнақига улуш қушсак бас. Ойбек домланинг

«Ватанни сев, туپроғини ўп, Ҳар қаричи муқаддас бизга. Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп, Жондан яқин юрагимизга» дея айтган сўзлари юртини, элини чин дилдан севган ҳар бир инсон қалбидagi сўзларига айланмоғи, табиий.

10 июль куни Оқсарой қароргоҳида Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва утказиш масалаларига бағишланган йиғилиш ва унда Президентимиз Ислом Каримовнинг нутқларидан келиб чиққан ҳолда шундай айтиш мумкинки, Истиқлол буюқ неъмат, унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва куз қорачиғимиздек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Куни кеча Тошкентда ўтган «Ҳеч кимга бермай-миз сени, Ўзбекистон!» деб номланган санъат фестивали барчанинг қалбига Ватанга бўлган фидойилик туйғуларини яна бир бор уйғотиб юборди, десак хато бўлмайди.

Истиқлолга осонликча эришилган йўқ. Буни ҳам ҳар бир Ўзбекистон фуқароси дилдан англаб етмоғи зарур.



Самарқанд Мустақиллик байрами арафасида: Амир Темур ҳиббони.

Шундай кунларни орзу қилган

Тирик сен, ўлмаган

Сен-да одам, сен-да

Кишан кийма, бўйин


Ки сен ҳам хур

туғилгансен!

дея эркин куйлаган шоир Чулпон каби минглаб ватандошларимиз қатагон қурбонларига айланганларини унутиб буладими?

Буюқ миллат, буюқ зот, фарзандларимиз. Мана шу заминда унган оддий гўёҳ ҳам бизники. У ёвуз, қоранятли кимсалар оёғи остида тўпталмаслиги керак.

Давлатимизнинг қудратли, обод ва озод, буюқ бўлиши уни нечоғли севишимизга, меҳнатимиз ва ҳамиша оғоҳ бўлишимизга боғлиқ. Ханузгача бугунги кун қадрини англаб етмаётган, эътиқоди суст, маънавий қашшоқ кимсаларнинг мавжудлиги, уларнинг айрим қалбидан ёшларимизни Ватанига хиёнат қилишдек тубанлик йўлига



бошлаб, эл-юрт тинчлигини бузиб, не-не бегунох кишиларнинг фожиасига сабаб бўлаётганлари сир эмас. Биз энгилмас, қудратли миллатимиз, халқимиз. Унинг бунёдкорлик меҳнати билан Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ўзгарди.

Энг муҳими, Мустақиллик туфайли эришган ютуқларимиз — ҳаммамизники. Шу замин, шу осмон, шу азиз Ватанимиз асрамоқ, эртанимизни янада гузал, бахтли, нурафшон бўлмоғи учун ҳамиша хушёр, оғоҳ бўлмоғимиз зарур.

Энг улғу, энг азиз байрамимиз яқин. Барча юртдошларимиз уни муносиб қутиб олишларига ҳеч шубҳа йўқ.

Қамбарали ИБРОХИМОВ.

Бекобод туманидаги «Юсуф ота» фермер хўжалиги раҳбари Гофуржон ака Юсупов кўп нарсаларга тушунолмай ҳайрон лол.

У 1997 йил 12 декабрда «Деҳқонобод» жамоа хўжалигидан ўн гектар ерни ижарага олиб, туман ҳокимлигининг қарори билан фермер хўжалиги ташкил қилди. Биринчи кундан оғу ишониб ерни топишган катта-кичик раҳбарларнинг ишончини оқлашга, қишлоқдошларининг назаридан четда қолмаслигининг пайига тушди.

Ердан келадиган даромадга умид боғлаб меҳнат қилган соғиқ калхозчининг кўли пул кўрди, уйдаги омборига дон-дун, ёғ-мой, чорваси учун ем келиб тушди.

Ернинг умрини бекорга ўтказмаётган, дастлабки йилдан оқибатларини ортиги билан баҳара бошлаган Гофуржон акага жамоа хўжалиги 1998 йил 29 августда умумий йиғилиш қарори билан яна 21 гектар ер қўшиб берди. Фермер белни янада маҳкамроқ боғлаб ишга киришди.

Лекин одамлар ишончи, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги, «Жумабозор» узини-узи бошқариш фуқаролар йиғинининг қарори ва ниҳоят, узининг эзгу нияти, гайрати билан олам гулистон бўлади дегани эмас экан. Фермер буни аризаси бўйича туман ҳокимлиги томонидан қарор қабул қилинганлиги, бу иш то шу кунга қадар пайсалга

қилинганлигини сўнг тушунди.

Худди шундай савдолар мажбуриятини «Деҳқонобод» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Алимовнинг ҳам бошига тушди.

Фермерлар туман ҳокимлигига бир неча бор мурожаат қилишди. Натижа бўлмади. Ҳаммасидан ҳам туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Нормурод Эсоновнинг «сизларга ер берилмайдиган, қаерга борсаларингиз бораверинглар» дегани ошиб тушди. Шундан сўнг фермерлар ариза билан вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишди.

Адлия ходимлари ўтказган текширув натижалари иккала фермернинг ҳам аризасидаги даъволар асосли эканлигини қўрсатди.

Вилоят адлия бошқармаси шу йил 7 апрелда Бекобод тумани ҳокими Г. Бурбобоев номига «Юсуф-Ота» ва «Шахноза» фермер хўжалиги раҳбарларининг фермерлик фаолияти ҳуқуқларини тиклаш бўйича тақдирномалар киритди. Тақдирномада иккала фермернинг талаби асосли эканлиги, туманда иқтисодий

ФЕРМЕРЛАР ЯНА ҚАЁҚҚА БОРИШСИН?

ислохотларнинг боришига тўқнаш қилиш фактлари борлиги ҳам қайд этилиб, Г. Юсупов ва И. Алиевга қўшимча ақратилган ер участкалари ҳоким қарори билан тасдиқлаб берилиши ва бунинг натижаси бўйича 15 кун муддат ичида бошқармага ҳазар қилиниши суралди.

Белгиланган муддатда жавоб келавермаган, адлия бошқармаси туман ҳокимига яна хат йўллади. Шундан сўнг туман ҳокими Г. Бурбобоев имзоси билан жавоб хати олинди. Унда, жумладан, шундай дейилган:

«Деҳқонобод» жамоа хўжалиги аъзолари вакиллари 1999 йил 5 февралдаги 1-сонли умумий йиғилиши қарориди аҳоли етарли бўлган 1, 2, 3 ва 4-бўлимлардан фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдонлари ҳамда фермер хўжалиқларига қўшимча

ни баҳара олмади. Мен ҳар гектар ердан 34 центнердан бугдой ҳосили олдим. Утган йилни жамоа хўжалиги 49 миллион сум зарар билан якунлади. Биз эса бир миллион икки юз минг сум даромад олдик. Шундан 450 минг суми соф фойдадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» ва «Фермер хўжалиги тўғрисида» қонуниди ердан самарали ва оқилона фойдаланаётган фермер хўжалигига қўшимча ер ажратиб берилиши, шунингдек, зарар қуриб ишлатган, кам рентабелли қишлоқ хўжалиги қорхоналари ерлари ажратилиши қўрсатилган. Жамоа хўжалиги эса, сўнгги беш — олти йилни оладиган бўлсак, муттасил зарар билан якунлаб келмоқда.

— Ҳукуматимиз раҳбари ислохотлар боришининг жорий йил ярим йиллик якунларига бағишлаб ўтказилган йиғинида ҳам рентабелли, зарар қуриб ишлатган хўжалиқлар ерни фермерларга бўлиб бераётган раҳбарларнинг ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Шундай бир пайтда туманимизда бу ишга угай қўз билан қараётган, — деди «Шахноза» фермер хўжалиги

Сурхондарё вилоятининг Сариев ва Узун туманларидаги банд тоғ қишлоқ-ларига Тожикистон орқали суқилиб қирмоқчи бўлган террорчилар гуруҳларини тугатиш борасидаги ишлар режа бўйича давом этмоқда. Жангарилар кимсасиз тоғ дараларидан бирда қуршаб олинган. Уларнинг Тожикистон Республикасига ўтиб кетиш йўллари тўсиб қўйилган.

Жангариларнинг радиолоқа воситаларини кузатиб турган хизматларнинг таъкидлашича, туқнашувларда ун бешга яқин террорчи йўқ қилинган.

Террорчиларнинг бир ҳамлада ҳам йўқ қилишимиз мумкин, дейишди бизга ҳарбийлар. Лекин бунинг учун ўзимиздан ҳам қўрбон беришга тўғри келар эди. Аскарлар ҳаётини ҳаф остига қўйишни истамаётган командирлар душманининг аниқланган позицияларига қарата миномётлар ва вертолётлардан уқ ёғдириш йўлини тутмоқда. Бу

воқеаларда бевосита иштирок этган террорчилар ҳам бор. Жангариларнинг айримлари узаро хорижий тилларда сузлашаётгани чегара худудиди тоғларда халқаро террорчилар гуруҳи joyлашиб олганидан далолат беради.

Жангариларнинг Ўзбекистон сари ёвузона юришидан бош мақсади — наркотик моддалар ва қурол-яроғ транзитини йўлга қўйиш. Улар узларининг барча кирдиқорларини ҳар хил сиёсий шорчу ташлаблар билан ниқоблаб уриниши мумкин. Лекин террорчиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва радио сузлашуларини таҳлил қилиш уларда ҳеч бир сиёсий масала йўқлигидан дарак бермоқда.

Жангарилар урнашиб олган худудларга яқин бўлган Қиш-тут, Сариев, Регистон, Қун-турмас, Ҳамидарча каби кичик қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли беҳавотир

азим қўққиларни ёнлаб учарди. Тик ёнбағлардан пастликка томон оппоқ қупкака беланган жилғалар чопарди.

Биринчи қўққиларнинг йўлини кўриб, «Аскарларнинг озиқ-овқати, ўқ-дорисидан хабар олиш қийинчилик тугдирмаяптими?» — деб сураимиз. «Йўқ, — деган жавобни эшитамиз. — Шукрки, имкониятларимиз етарли».

Тамархут сойи ёқасидаги қафдқеккана текисликка — қишлоққа қўнамиз. Бизни бирпасда аёллар ва болалар ураб олади. Улар асосан ён

● Огоҳ бўлайлик! ЮРТИМИЗНИ ЁМОН КЎЗДАН, БАЛО-ҚАЗОДАН АСРАСИН

Шарофат НУРМАТОВА, уй бекаси, 6 нафар фарзанднинг онаси, Юқори Чирчиқ тумани:

Бир болам Афғонда улган. Уруш доғини мен биламан. Бугунги тинч замонимизга шукроналар айтаман.

Ҳар кун телевидорда дунёнинг чекка-чеккаларида уруш олови ёнаётганини кўрсатади. Одамлар улаятти. Оч-наҳор, юпун, бошпанасиз қолаётти. Қандай дахлат!

Юртбошимизга, ҳукуматимизга тузим берсин! Юртимиз тинч. Шундай ҳаётнинг қадрига етайлик. Ватанимиз тупроғи муқаддас. Уни ҳеч кимга топтатмаймиш. Уни Ватаннинг асл фарзандлари ҳимоя қиладилар.

Қаҳрамон АБАЗОВ, шифокор, Тошкент шаҳри:

— Кўнига қабулимга ҳар хил касбдаги одамлар келишади. Улар билан ҳаёт, турмуш ҳақида суҳбатлашиб қоламан. Ҳаммаларининг дилида шукроналик. Чўки тинчлик бўлса, орзу-ҳавас ҳам, ўқиб ҳам, иш ҳам бўлади.

Турри-да, уруш, қирғинбарот, парокандалик бор жойда нимани қутиб мумкин? Албатта, хавотирлик, ҳадик, ғам-андўҳи.

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, бизда хотиржамлик. Бу эртанинг кўнига ишончини мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг чегара туманларига ўтиб, мамлакатда бузғунчилик қилмоқчи бўлганларни эшитиб, ғазабим ортиди. Ғаламисларни қаранг, кимга қўл кутаряпти улар. Халқ билан ўйнашиб буладими?!

Мирсаъди УСМОНОВ, уруш фохрийси:

— Урушдан ногирон бўлиб қайтдим. Азобини ҳамон тортмоқдаман.

Лекин бу кўнларга шукроналар айтаман. Осмон тинч, эл тинч, юрт тинч. Айни белни боғлаб ишлайдиган замон.

Аммо айрим ғаламислар ютуқларимизни қуролмаяпти. Ҳа, бахил боғи ҳеч қачон қўқармайди. Ҳасадгуйларга қўқимиз етади. Тўрт ўғлим, пахлавоним бор. Улар она Ватанимизни жонидан ортиқ севади, турогини ўпади. Уғилларим, набираларим ҳар қандай душманга зарба беришга шай. Ватаним ҳимоя қила оламиз.

Раззоқберган ҚҲҚҚОВ, меҳнат фохрийси:

Жонажон Ватанимизнинг Жанубий сарҳадларига, хусусан, Сурхон воҳасининг Узун ва Сариев туманлари худудига суқилиб қирмоқчи бўлган бир гуруҳ бузғунчиларнинг қилмишларини эшитиб, қаттиқ ранжидим. Бу кимсалар бизнинг истиқлолимизни, осуда ҳаётимизни қўра олмаётганликлари туфайли ана шундай қабиҳликка қўл уришган. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари юртимиз осойишталигига заррача раҳна солмайдиган. Биз кексалар яқинлашиб келаятган мустақиллик айёмига қўрилаятган ҳозирликдан беҳад қувонмоқдамиз. Оллоҳга шукрлар қилмоқдамиз. Ҳар сафар дуога қўл оғанди юртимизга тинчлик-омонлик, болаларимизга бахту-саодат тиламоқдамиз. Илоҳим истиқлол ва истиқболимизга куз тегмасин.

Лазиз ХАЙДАРОВ, муҳандис, Самарқанд шаҳри:

— Мен икки нафар фарзанднинг отасиман. Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами арафасида туртинчи неварали бўлдим. Шу саодатманд кўнларда туғилган чақалоғимизни бағримга босиб, Оллоҳга беадад шукроналар айтиб, унинг номини Истиқлол қўйдик. Худого шукр, юртимиз тинч, ҳаётимиз гузал. Фарзандларимиз соғлом, баркамол авлод бўлиб етишмоқда. Бунинг учун юртбошимизнинг ўзи алоҳида ғамхўрлик қурсатапти. Шунга жавобан ёшларимиз ҳам юртимиз учун муносиб фарзандлар бўлиб етишмоқдалар.

Аммо кимлардир тинч ва осойишта ҳаётимизни қўраолмаяпти. Улар ёвуз ниятига етишолмайдиган. Биз Ўзбекистонни ҳеч кимга бериб қўймаймиз. Киндик қонимиз туқилган шу муқаддас тупроқ биз учун азиз ва муқаррамдир.

Кимки бизга қўл кутарса, холи вой бўлишини унутмасин.

ТЕРРОРЧИЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

УЗУН. (Уш мухбирлари М. Намозов ва Ч. Тўхтасев хабар қилади).

Сурхондарё вилояти аҳолиси хавотир туҳликага тушгани йўқ, қўндалик осойишта меҳнат билан банд. Воҳада ҳаёт аввалгидек маромда давом этмоқда.

Вертолётимиз денгиз сатҳидан 4 минг метр балан-ликда, саркаш Туполондарё ирмоқлари бошланадиган

Йигитларимиз одам утиши мумкин бўлган барча суқмоқларни кечая кундуз назорат қилиб турибди.

Ҳамроҳимиз — Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Жинот-қидирув бош бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Жўрабек Раҳматов қўшимча қилади: «Қўраясизми, террорчиларнинг барча утиш йўллари тўсиб қўйилган. Ҳатто уявган қўш ҳам аскарларимиз назоратда, — дейди ишон билан. — Террорчилар икки дунёда ҳам воҳага етолмайди».

«Аскарларнинг озиқ-овқати, ўқ-дорисидан хабар олиш қийинчилик тугдирмаяптими?» — деб сураимиз. «Йўқ, — деган жавобни эшитамиз. — Шукрки, имкониятларимиз етарли».

Тамархут сойи ёқасидаги қафдқеккана текисликка — қишлоққа қўнамиз. Бизни бирпасда аёллар ва болалар ураб олади. Улар асосан ён

атрофдаги қишлоқлардан бу хавфсизроқ худудга қўчириб келтирилганлар. Юқори қишлоқларда эркаклар уйларини қўриқлаб қолишган. Айни пайтда улар аскарлар билан ҳаммуҳаббатликда тоғдаги киши билмас суқмоқ йўллари назорат қилишда иштирок этапти.

Вертолётдан озиқ-овқат, пасткалар, кийим-кечак ту-шарилади. Биз билан бирга келган уч арач доридармон солинган қўти ва колпирин олиб тушади. Улар энди шу ерда қолиб, тоғликларнинг соғлиғига куз-қулоқ бўлиб ту-ришади.

— Қандай камчиликлар, қийинчиликлар бор? — деб сураймиз одамлардан.

— Камчилик ҳам, қийинчи-лик ҳам йўқ, дейишади улар. Фақат террорчилар тезроқ йўқ қилинса бўлган.

Вертолётимиз яна ҳавога кутарилади. Шаб сари йўл оламиз. Биз Тамархутдан қайтганимизда босқинчилар яшириниб ётган даррадаги ва-зият анча ўзгарди.



Дехқони бой юрт обод бўлади

Қувасойда бўлганмисиз? Шаҳарнинг таърифи узоқ-узоқларга кетган. Унинг текис ва озода кўчаларидан ўтган кишининг бахри дили ёришади. Муҳташам биноларга нигоҳингиз тушиши билан кўнглингизда ҳавас уйғонади. Ҳавосининг мусофоллигини айтмасанми, тоғлар яқинда. Қувасойнинг зийлилари иқтидорли, раҳбарлари эътиборли, тadbirkори мурувватли, деҳқонлари ишбилгувчи. Боғу-роғлари болга тўлган. Истиқлол байрамининг тўққиз йиллик шодиёналари арафасида шаҳар ҳокими Худоберган ҚОСИМОВ амалга оширилаётган хайрли ишлар ва долзарб вазифалар хусусида ҳикоя қилади.

хўжалик ҳазинасига тушди. Бу эса хўжалик қарзларидан қўтилишга имкон берди. Ишчи-хизматчиларга уз вақтида маош бериб борилаётди. Бундай мисолларни «Бехизор», «Мун», Ф. Шамсуддинов, А. Икромов номли ширкат хўжалигида ҳам учратиш мумкин. Энг қувончлиси корхоналар томонидан сотиб олинган боғларга уз вақтида агротехника ишловини бериб мул-

тармоқлари, «Қувасойцемент» хиссадорлик жамияти, «Қувасойчипиниси», «ГЖМ Деларос», «Темир-бетон буюмлари», «Кварц» хиссадорлик жамияти ва бошқа кўплаб корхона ва ташкилотлар кудўқларни тасмиллаш ишларига жалб қилинди. Кўпчилигининг савий ҳаракатлари билан сўғурчи мавсумидан 135 та артезиан кудўқ ишлатилди.

Қувасойда саноат корхоналарда бир литр сут хўжаликлардан 82 сумдан қабул қилиб олинмоқда. Шу ўринда мулоҳазали бир фикрни уртага ташламоқчиман. Шаҳардаги йирик саноат корхоналари жамоа хўжалиқларини бутунлай уз тасарруфига олиб, узининг ёрдамчи хўжалигига айлантириб олиш ташаббусини уртага ташлаётди. Жамоа хўжалиқлари раҳбарлари ҳам хўжаликни ривожлантириш

шартномаларда жамоа хўжалиқларининг қўнийлиги манфаатлари камситиларди. Уша шартномаларда сотиб олиш нархини махсулот пишиб етиштирилганда белгилан кўзда тутилган экан. Биз бундай номақбулгарчиликка чек қўйдик. Йил бошида тайёрлов корхоналари билан тузилган шартномада махсулот етиштиришга кетган харажатдан келиб чиқиб ва хўжалиқнинг 20 - 30 фоизли устамасини қўйиб нарх белгилан қўнийлаштирилди. Бу эса хўжалиқларни оёққа туриб олишига муҳим омил бўлди. Энг муҳими, махсулот пишиб етилганда қадар 50 фоиз маблағ хўжаликка ўтказилди. Ташқи учун транспорт харажати ҳам қайта ишлаш корхонаси гардианди.

Яна бир янгилик. Ҳозир Қувасой консерва заводида Америка томони билан қўша корхона тузиш учун катта ишлар амалга оширилаётди. Асбоб ускуналар сотиб олиниб келтириляпти. Агар бу қўша корхона ишга тушса, бир кунда 50 тоннагача мева-чева ни қабул қилиб қайта ишлаш имконига эга бўлади. Бу қўша корхонанинг ишга тушиши сўзсиз хўжалиқларнинг иқтисодий аҳолида ижобий ўзгариш бўлишига имкон беради, деган умиддамиз.

Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримовнинг иккинчи қақир қалқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг биринчи сессиясида сузлаган нутқидаги қўйидаги пурҳикмат сузлари билан фикримни аёнламоқчиман. «Фарғона халқига меҳр-муҳаббатим баландлигини ҳаммамизнинг яхши биласиз. Мен узим севган, қадрлаган элнинг тўли ва осийшга, фаровон ва бахтли ҳаёт кеңиришини, уз меҳнатларининг роҳатини, устираватган фарзандларининг орзу хавасини кўришини истайман. Шунинг учун ҳам турмушдаги қийинчиликларни тезроқ бартараф этасак, мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириб, халқимизнинг фаровонлигига эришсак, ҳар бир оила бой бадавлат турмуш кеңирсиз, деб ният қиламан.

Бу мақсадга эришиш учун эса бир тан, бир жон бўлиб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилишимиз, белгиланган режаларимизни бажаришимиз, қўзлаган марраларга тезроқ етишимиз лозим». Юртбошимизнинг бу сузлари биз учун дастуруламалдир.

«Адолат»нинг махсус мухбири Дилмурод КИРГИЗБОВ ёзиб олди.

Замондошимиз

ЭЛ ДАРДИ УНИНГ ДАРДИ

Эсон ака янгигина келтирилган рўзномаларнинг саҳифаларига кўз югуртириб турган эди, беҳосдан дарвоза тақиллаб қолди.



— Марҳамат кираверинг, — деди у. Ичкарига меҳнат фаҳрийси, қўшни кучада истиқомат қилаётган Нейматулла Иззатуллаев ўзи билан турт-беш кишиларни бошлаб кирди. Салом-алиқдан сўнг Нейматулла ака Эсон акага қараб, суз бошлади.

— Сизга бир маслаҳат билан келган эдик. Олдиндан айтиб қўйилик, тақлифимизни рад этмайсиз. Эсон ака келганларга нима гап дегандек савол назари билан боқди.

— Худудимизда янги маҳалла ташкил этмоқчимиз, — сузини давом этди Неймат ака, — қўмита раислигига қўпчилик сизни тавсия этишди.

— Маҳалланинг ташкил этилишига шаҳар, ҳокимлигининг қарори борми? — Бу ҳақда кўнглингиз тўқ бўлсин, Эсон ака, — сузга аралашди келган кишилардан бири. — Эртага худудимизда шаҳар ҳокимлигининг вакили иштирокида фуқаролар йиғини ўтказилади. Шу ерда қўмита раислигига сизнинг номзодингизни курсатмоқчимиз.

Дарвоқе, Эсон ака Ҳамроевнинг асли қасби ўқитувчи. У қарийб 45 йил Каттакўрғон туман мактабларида ўқитувчилик ва раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Эсон Ҳамроев узининг педагогик маҳоратини ошириш устида ҳам тинимсиз изланди. У хизмат фаолиятиндан ажралмаган ҳолда Самарқанд ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳининг тарих қулиятини имтиёзли диплом билан битириб, туманининг қатор мактабларида ўзи севган фандан дарс берди ва раҳбарлик лавозимларида ишлади. Туман Халқ таълими бўлими Эсон Ҳамроевни қайси мактабга раҳбар этиб тайинлашсин, у ишни ўша ерда ўқув биноларини қайта таъмирлашдан бошлади. Ёшларни билмидон, она-Ватан ва халқига нисбатан садоқат руҳида тарбиялаш борасида астойдил жон куйдириб. У мактабларда раҳбарлик даврида ота-оналар билан бе-восита яқин алоқада бўлди. Болаларнинг оилалардаги шарт-шароитлари билан шахсан ўзи чўқур танишиб чиқди. Шу боис ҳам у раҳбарлик қилган мактаблардаги ўқувчилар чўқур билимга эга бўлиди. Бугунги кунда Эсон ака ўзи ўқитган ва таълим берган собиқ шогирдларини мустақил Ватанимизнинг равнақи йўлида турли соҳаларда қалол ва фидокорона меҳнат қилаётганлигини қўриб, ич-ичидан қўнқача тўлади. Ҳа, шогирдларининг бири пахтакор, бири қурувчи яна бири шифокор, ақсарияти эса ўзи сингари халқ таълими жонқурларидир.

Эсон ака ўзи ташвиши учун ўзининг вақтини ва хизматини сира аямайди. Ўзи яшаб турган Каттакўрғон шаҳридаги Ермачи маҳалласининг ҳар қандай қувонч таш-

вишига ҳамиша шерик бўлиб юрди. Маҳалланинг тую-азасида эртадан кечгача олиб-югуради. Шу боис ҳам маҳалла аҳли бундан 9 йил муқаддам Эсон Ҳамроевни ўзларига раис этиб сайлади.

Мустақиллигимизнинг биринчи йилида ташкил толган Ермачи маҳалласида халқ қўмити биноси йўқ эди. Қасби ўқитувчи бўлгани билан қўрилиш ва ободонлаштириш ишларини жон-дилдан севувчи Эсон ака маҳалла қўмитасининг раиси бўлган йиллик ишни қўмита биносини қўришдан бошлади. Кексалигига қарамай у маҳаллани ободонлаштириш учун ташкилотма-ташкилот рёв келди. Раҳбарлар билан тил топишиб, уларни маҳалла ободончилик ишларига жалб этди. Натijasида ўш йили маҳалла марказида 5 хонали хашаматли бинони қўриштиришга муваффақ бўлди. Ҳозир ана шу бинода бўлган кишининг ҳаваси келлади. Маҳалла қўмитасидаги хоналар ҳар томонлама жиҳозланган. Бири «Маънавият ва маърифат» маркази бўлса, яна бирида «Нурониларнинг ҳодик қиришлари» учун шарт-шароитлар яратилган.

Эсон ака Ҳамроевни бирон кун тинчиб утирганини қўрмайсиз. У ҳар кун маҳалла қўчаларини яёв айланиб чиқади. Бирон кучада ахлат уюмларини қўргудек бўлса, дарҳол ўша кучадаги фуқароларни қачиртириб, тозалаб олдиришга киришади. Шунинг одамларга нисбатан меҳри чексиз. Ундан бўлса керак, маҳалла қўмитасининг раиси сифатида аҳолининг ижтимоий аҳоли билан доимо қизиб боради.

— Маҳалла қўмиталари раислари ёши улғай бўлишига қарамай Эсон ака ўта гайрат ва шижоаткор инсон, — дейди шаҳар ҳокими Талъат Ҳамидов. — У ҳар бир муаммони ўз жойида ҳал қилади. У кишининг раҳбарлигида Ермачи маҳалласида турли ва қизқарлик тадбирлар ўтказиб боришмоқда. Айниқса, тўйларни қамчиқим ва чиройли ўтказиш, куча ва хонадорларни озода сақлаш, маҳалла фарзандларини жиҳмонан ва ақлан тарбиялашда ота-оналарнинг вазифалари ҳақда ўтказилган тадбирларни қўпчиликлари манзур бўлмоқда.

Эл дарди Ватанимиз равнақи учун ёниб яшаётган Эсон ака Ҳамроевни Каттакўрғон шаҳар аҳли шундай фидокор оқсоқол инсон, ҳамиша соқ бўлсин дег олқишламоқда. Зотан, Эсон ака Ҳамроев учун бундан катта бахт йўқ.

Аскар ЖАЛИЛОВ, «Адолат» мухбири.

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ!

Вобкент туманидаги «Муродобод» фермер хўжалиги сардори Фермон Саидовдан Бухоро вилоят адлия бошқармасига ариза тушди. Аризада «Зарбдор» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Б. Давронов туман ҳокимининг фермер хўжалигига боғ учун 4 гектар ер ажрати бериш тўғрисидаги қарорини баҳармағмай, тегишли ерни бермаслик мақсадида ноконунги тарзда умумий йиғилиш қарорини чиқаргани баён этилган.

Фермер азият чекканича бор. У яхши ният билан бор. Зордан 55 минг сумга мева-ли қўнчалар сотиб олганди. Бунга қарангки, хўжалик раҳбарининг тураларча муносабати натижасида қўнчаларнинг асосий қисми нобуд бўлди. Қўлида туман ҳокимининг ер ажратилиш тўғрисидаги қарори бўлсаю, ширкат хўжалигида уюштирилган «уйин» (раис раҳбарлик қилган «умумий йиғилиш» баёни демокимиз) сабаб сарсон бўлиб қолаверса?..

Вилоят адлия бошқармаси ушбу масалани чўқур ўрганиб, Вобкент туман халқ судига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд адолатли қарорга келди: фермерга 4 гектар ер ажратилди. Шунингдек, хўжалик раҳбари фермерга 150 минг сум маънавий ва 45 минг сумлик моддий зарарни тўлайдиган бўлди. (ЎзА).



Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманидаги пилла тайёрлаш ва қайта ишлаш очик турдаги хиссадорлик жамиятининг қувватини икки баравар ошириш борасида муҳим ишлар олиб боришмоқда. Бунинг эвазига жамоа йилга 200 тонна пиллани қайта ишлаш имконини эга бўлади. Шу мақсадда бу ерда янги қўшимча цехини ҳадданми фойдаланишга топшириш йўлланма берилди.

СУРАТДА: хиссадорлик жамиятининг илгор ишчиси Лолахон Қориева. Тохиржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат.

ҲОКИМ ОҚСОҚОЛЛАР БИЛАН КЕНГАШДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқида воҳа раҳбарлари, меҳнаткашлари олдида бир қатор вазифалар қўйган, кейинги йилларда вилоят иқтисодининг оқсатганлиги сабабларини очик-ойдин айтган эди.

Қашқадарё вилоят ҳокими Б. Ҳамидов яқинда бир гуруҳ кўпни қўрган қариялар, нуроний оқсоқоллар билан Президентимиз нутқида уртага қўйилган вазифалар тўғрисида суҳбатлашди. Катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга фахрийлар вилоятни қўлоқликдан олиб чиқиш, утган йилларда халқ хўжалигида йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

Оқсоқоллар билан суҳбатда вилоят ҳавтида маҳаллаларнинг урнини янада ошириш, катта аволд вакилларининг турмуш тажрибасидан ёш авлод тарбиясида оқилона фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди. (ЎзА).

Қадимшунослик маълумотлари инсоният бундан 15 минг йил муқаддам нон истеъмол қилишни ўрганганлигини тасдиқламоқда. Бу даврга келиб, олов кашф этилган, донни пишириб еишига имконият туғилган. Бир қарашда оддий кўринган нон тайёрлаш иши инсондан қанчалар меҳнат, билим ва заковат талаб қилади. Шу сабабли, яхши ёпилган бугдой нони инсон тафаккурининг буюк иштироларидан бири деб тан олинган.

Энди Республикаимиздаги давлат гербига бир разм солинг. Унда бугдой дасталари тонгги қўйишнинг заррини нурларини қўраб турибди. Бу — Ўзбекистон дон етиштирувчи, ризқ-рўз сөрөб мамлакат деган маънони билдиради. Ҳозир юртимизда ноннинг 250 дан ортиқ тури ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Ҳўш, муқаддаслик ва меҳмондўстлик рамзи бўлган Тошкент нонининг сифати қандай?



ТОШКЕНТ НОНИНИНГ ДОВУҒИ ҚАНДИ?

Меҳмон нуктаи назари: Лев Кузьмин, Подольск шаҳридан (Россия). — Иккинчи жаҳон уруши йилларида биз, минглаб болалар, шаҳарнинг изига қўйрилгандик. Сир йиллар бўлишига қарамастан, поштахонингизда аъло сифатли нон ёпиларди. Тошкент нонининг нима ҳамоно қўриқилгандик. Сир йиллар бўлишига қарамастан, поштахонингизда аъло сифатли нон ёпиларди. Тошкент нонининг нима ҳамоно қўриқилгандик. Сир йиллар бўлишига қарамастан, поштахонингизда аъло сифатли нон ёпиларди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқида воҳа раҳбарлари, меҳнаткашлари олдида бир қатор вазифалар қўйган, кейинги йилларда вилоят иқтисодининг оқсатганлиги сабабларини очик-ойдин айтган эди.

Қашқадарё вилоят ҳокими Б. Ҳамидов яқинда бир гуруҳ кўпни қўрган қариялар, нуроний оқсоқоллар билан Президентимиз нутқида уртага қўйилган вазифалар тўғрисида суҳбатлашди. Катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга фахрийлар вилоятни қўлоқликдан олиб чиқиш, утган йилларда халқ хўжалигида йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

Оқсоқоллар билан суҳбатда вилоят ҳавтида маҳаллаларнинг урнини янада ошириш, катта аволд вакилларининг турмуш тажрибасидан ёш авлод тарбиясида оқилона фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди. (ЎзА).


Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сузлаган нутқида воҳа раҳбарлари, меҳнаткашлари олдида бир қатор вазифалар қўйган, кейинги йилларда вилоят иқтисодининг оқсатганлиги сабабларини очик-ойдин айтган эди.

Қашқадарё вилоят ҳокими Б. Ҳамидов яқинда бир гуруҳ кўпни қўрган қариялар, нуроний оқсоқоллар билан Президентимиз нутқида уртага қўйилган вазифалар тўғрисида суҳбатлашди. Катта ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга фахрийлар вилоятни қўлоқликдан олиб чиқиш, утган йилларда халқ хўжалигида йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

Оқсоқоллар билан суҳбатда вилоят ҳавтида маҳаллаларнинг урнини янада ошириш, катта аволд вакилларининг турмуш тажрибасидан ёш авлод тарбиясида оқилона фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди. (ЎзА).

Оқсоқоллар билан суҳбатда вилоят ҳавтида маҳаллаларнинг урнини янада ошириш, катта аволд вакилларининг турмуш тажрибасидан ёш авлод тарбиясида оқилона фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди. (ЎзА).

гиб, кечирим сураб ўтира-
ераман. Бу гал ҳам ходим
конимга ора киради. У



**Жаҳонгир
ИСМОИЛОВ,
Бухоро.**

СПОРТМИ Ё САНЪАТ?!

(1979 йил фожияли ҳалок бўлган
«Пахтакор»чилар хотирасига)

Футбол бу спортми ва ёки санъат?
Бир копток ортидан қиласан хайрат!
Югурар йигирма шоввоз майдонда,
Яна икитаси икки томонда.
Дарвозани пойлаб кутар, тайёр тўп,
Барчадан асабий бўлар улар хўп!
Ҳамда хуштак солиб оғзига ҳакам,
Копток қайга борса ғизиллар у ҳам.
Биров Афандидан футбол маҳали,
Сўрабди, Афанди зехнингга балли.
Кайси бир ўйинчи сенга ёқди хўш?
Афанди дедики: «Бамисоли куш,
Учгай ул оғизда хуштакли шоввоз,
Коптокнинг ортидан қолмай мисли тоз».
Хар бир ишқибознинг ихлосманди бор,
Гол урса ўзини сезар бахтиёр.
Пеле, Марадона, Гарринча, Зидан,
Ва яна жаҳонда кўплар берган тан.
Футболчилар бордир, шулар қатори,
Каминага ёққан юрт ифтихори,
Олим Ашир ила Фёдоров, Ан,
Ва яна ўн тўртта фидойи Ватан.
Ўзбек футболчиси бор эди, армон,
Фожияли тусда бўлишди қурбон.
Футбол спорт — санъат баъзида ғоят,
Хаттоки тасодиф, англам нихоят!
Марҳум футболчилар руҳи бўлсин шод,
Халқ эслар уларни мангу-умрбод!

Олимжон БҲРИЕВ.

1. Тез югурувчи маъносиди.



Гўзалкент тумани Ички ишлар бўлими
Давлат автомобиль назорати бўлими
бошлиғи Сайфуддин Равшанов бошчи-
лигидаги ДАН ходимлари йўлларда қат-
нов хавфсизлигини таъминлаб, бахтсиз
ҳодисаларнинг олдини олишда жон-
бозлик кўрсатмоқдалар.
СУРАТЛАРДА: жамоа ҳаётидан
лаҳзалар.
Зохир ТҲРАКУЛОВ олган суратлар.


ИСТИҚЛОЛГА МУНОСИБ ТУҲФА

Хушxabарнинг қаноти
бор, дейишди. Шотлан-
диянинг Глазго шаҳрида
сайёрамиздаги 50 дан
ортик мамлакат қаратчилари
иштирокида ўтказилган
Жаҳон Кубоги беллашувлари
ўз поёнига етди. Ушбу
нуфузли мусобақада Респуб-
ликада хизмат қурсатган ус-
тоз Н. Нафасов бошчили-
гида 12 нафар вакиллари-
миз қатнашиб, 4 та олтин,

федерацияси эндигона 4
ёшга қадам қўйди. Лекин
утган қисқа фурсат ичида
ўзбек ўғлонларининг халқаро
майдонда буй кўрсатиб,
эришган муваффақиятлари
мақтовга лойиқдир.
Шубҳасиз, қаратчилари-
мизнинг бу галги мардона-
вор юриши 9 йиллик
истиқлол тўйини нишонлаш
арафасида турган Ватани-
мизга муносиб туёна бўлди.
Ҳамюртларимиз эртага пой-
тахтимизга қайтишди.

Муқаддас қадамжоларга айланган қадимий ва ҳамиш
навқирон Хива шаҳридаги бир-биридан бетакрор
обидалар, маданий ёдгорликлар бизнинг бебаҳо бой-
лигимиздир. Уни кўриб, халқимизнинг бой ўтмиши
билан танишиш мақсадида бу ерга ҳар йили минг-
миглаб хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқдалар.
Шаҳарнинг қадимий қиёфасига хос ва мос тарзда бар-
по этилган йўллар, хибоблар унинг қиёфасини янада
очмоқда.

СУРАТДА: шаҳардаги қадимий обидалар.



Ажаб савдолар

САНИТАРИЯДАГИ СОҲТАКОРЛИК

Кейинги пайтларда Республикаимиз пойтахтига
Фаргона водийси вилоятларидан кириб келаятган ав-
томашиналар ҳайдовчиларидан шикоятлар туша бош-
лашди. Унда, ҳусусан, ҳар сафар Қамчиқ довонидан ўтиб,
Тошкентга йўл олган машиналарга «Санитария ишло-
ви бериш» баҳонаси билан ҳайдовчилардан маълум
миқдорда пул ундириб қолинаётгани ҳақида ай-
тилган эди.

Водийдан пойтахтга от-
ланган автомашиналар Анг-
рен шаҳри яқинидаги ДАН
пости ёнида ҳар сафар «Са-
нитария жиҳатидан ишлов
бериш» постига рубару
бўлишди. ДАН назоратчи-
си ёрдамида тухтаб бери-
лган машиналар ҳайдов-
чиларининг ҳар биридан
мазкур транспорт воситаси-
га гувҳи «Санитария ишло-
ви бериш»нинг учун 200
сумдан пул тулаш талаб
қилинади. Туламаганлар шу
ерда тураверадилар...
Хуш, аслида қандай тад-
бир бу? Қандай кура, ҳар
қандай машина бир мамла-
кат ёки вилоят ҳудудидан ик-
кинчи мамлакат ёхуд вило-
ят ҳудудига ўтаётганида
унинг резина гилдираклари
узи билан оқимли касаллик-
ларни олиб ўтмаслиги учун
махсус дори эритмасини
майдонда сочадиган пульве-

ризатор ёрдамида гилдирак-
ларга санитария ишлови бе-
рилади. Бунинг учун, табиий-
ки, маълум миқдорда ҳақ оли-
нади.
Лекин Тошкент вилояти
чегарасидаги санитария пос-
тонлари машиналарни мили-
ция ёрдамида шундайгина
тухтаб, уларга ҳеч қандай
тиббий ишлов бермаганлари
ҳолда ҳар бир ҳайдовчидан
200 сумдан пул ундиришни
одат қилиб олганлар. Узла-
рини «Жамол Хумоюн М. Ч.
Ж.» (?) ходимлари деб
таништирётган бу кишилар
Тошкентга кириб келаятган
минглаб машиналардан қуни-
га худди маъна шу йўсинда
бир неча ўн минг сумлаб пул
ундираяптилар. Бу пуллар
қаёққа кетаётганининг
ҳисоб-китобини эса ҳеч ким
билмайди. зотан
«санитария»лар эзиб бераётган
«квитанция»ларнинг на
рақами бор, на пул олган
одамининг исми-фамилиясию
имзоси...
Квитанцияларга эса «Мул-
чиликнинг шаклидан қатъий
назар, барча турдаги енгил,
йўловчи ташвиш ва юк ташвиш
автотранспортларида бажар-
илган тиббий ишлар учун
хизмат тулови паттаси» деб
эзиб қўйилган.
Энди қатор савдолар
туғилиши табиий. Бу «Жамол
Хумоюн М. Ч. Ж.» деганлари
қандай ташкилот? Унинг
«ҳодим»лари нега машина-
ларга ҳеч қандай санитария
ишлови бермаганлари ҳолда
жараж-жараж пулларни санаб
олиптилар? Бу пуллар қаёққа
кетишти? Нега бу нарсани
ҳеч ким назорат қилмаяпти?
ДАН ходимлари ҳалиги
«санитария»ларга машиналарни
беминнат, бегарз тухтаб
беряптиларми ёки...
Ушбу масалаларга аниқлик
киритиб беришларини сураб
Тошкент вилояти санитария-
эпидемиология хизмати
бошқармаси ва вилоят Дав-
лат автомобиль назорати
раҳбариятига мурожаат қил-
ди.
«Жамол Хумоюн М. Ч.
Ж.» — бу ҳусусий фирма,
деди Тошкент вилоят санэ-
пидстанциясининг бош вра-
чи Владимир Александрович
Андреев, — у ветеринария

«Туркистон-пресс»

Милиция фоти этади

ҚИШЛОҚ ИМОМИ... «ҲИЗБУТ»ЧИ ЭКАН

Ривоят қилишларича, донишмандлардан бирига тўти
савга қилишди. Донишманд у тўтини қафасдан
чиқариб, озоликка қўйиб юборган экан. Шунда тўти:
«Эй саҳоватли зот, сен менга яхшилик қилдинг, бунга
жавобан мен ҳам бир яхшилик қилай, ҳовлидаги да-
раҳтларнинг остида ҳазина бор, уни ол!» деди. Бун-
га жавобан донишманд: «Ёр остида ҳазина борлигини
билатурсан, наҳотки ўзининг банди тушишини бил-
мадинг?» деди. Тўти эса: «Эй билмакдан зот, Ярат-
ганнинг «сен томон қазо келса, қўлар кўрмай қолур»,
деган ҳабарини эшитганимсан?» дея жавоб қилган
экан.

Бундан қўринадики, худди толо адаш-
ган қимсаларнинг қўлоқларини кар,
қўларини кур қилиб қуярган, оқибатда улар
қўларининг хатокор ишларини ва гуноҳли
қилишларини мутлақо ҳақиқат, деб билиб,
қолган бачча бошқа фикр ва узагача қараш-
ларни номатлуб, ношаръий, дея ҳисоблар
эканлар. Хозирги кунда ислом динини таф-
тишу ислоҳ қилишни, қонуний ҳукуматни
қўрол қучи билан ағдариб ташлаб, халифал-
лик давлати жорий қилишни оролаётган
«Хизбут-таҳрир» уюшмаси ҳақида фикр
юрттан чоғда юқориди ривоят бот-бот
эсга келаверилади.

Бағдод туманидаги Бордон қишлоғида
Сайдуллоҳ Фахриддиновни ҳам шу тоифа-
га қўшса бўлади. Қирқинчи баҳорни
қаршилаган ва навқирон ёшида бутун
қишлоқнинг ҳурматли кишиларидан бири
даражасига етган, уч фарзанднинг отаси
бўлган бу шахсни тўғри йўлдан оздирган
сабабларни ҳам тўғрисида сўзларидан
қидириш керак. Сайдуллоҳ қўриқар кузга
илмий бўлиб қўриқсада, аммо билимлари-
ни бошқа мақсадларга, ғаразли йўللарга
сарф қилиб келган. Қарийб тўққиз йил да-
вомда уюшма сафида бўлиб, дорус, муш-
риқ, масъул даражаларига эга бўлган.
Минтақавий нақиб (раҳбарлик даражаси) ун-
вонини олган. Яширин фаолияти даврида
бир неча халқа ташкил этган. Нақиб дара-
жаси билан туманлараро минтақадаги
«хизбутчилар» фаолиятига бошчилиқ қил-
ган. Шу билан бирга асосий фаолиятини
яширин адабиётлар, ойнамалар, варақалар
тарқатишга қаратган. Бу иш зиммасига ок-
латилган «хизбутчи» — Бувайда туманининг
Дехқонобод қишлоғида Мансур Хамидов-
нинг фаолиятини бошқариб бorgan. Хатто-
ки ушундай ҳам яширин адабиётларни
сактаб келган. Ашъвий дадил сифатида
Сайдуллоҳнинг қўлидан олган 400 га яқин
китоб ва ойнамалар фикримизни
тасдиқлайди.

Риёкорлик — энг ёмон фазилат. Лекин
илмий одам тилу дилининг айролиғи ундан

да ёқимсиз. Сайдуллоҳнинг
тўққиз йил давомида улғу-
шли ота-онасини, туман ди-
ни жамоасининг кузга
қўриган бошбур уламоси, ту-
ман имом хатиб бўлган ама-
кисини ҳам алдаб келгани
боис улар ерга қаради. Унга
ишонч билдирган қишлоқ но-
мозхонларининг юзига оёқ
қўйди. У «хизбут»дан бошқа
хеч қайси оқим ёки гуруҳни
ёқтирмагани тўғрисида мас-
жид қавми олдига ваъза
қилганда ваҳодийларни, ак-
авесиз танқид қилган. Расмий идоралар
вакиллари олдига яхши сўзлар билан дав-
латимиз сиёсатига олиқарган айтгану, ди-
лидагисини тилига чиқармаган. Исломда
тил ва дил бирлигига жиддий қаралган,
айролик қаттиқ қораланган, иймон дара-
жасини белгиләвчи мезон ҳам шунга асос-
ланган экан, ислом давлати қуришни даъ-
во қилаётган «хизбутчилар» раҳнамосининг
сўз амалидаги фарқи мунофиқликдан
бошқача қандай баҳолаш мумкин? Ёлғонлар
ва алдовлар асосида қурилган давлатнинг
таги пуч бўлишини наҳотки билмаган
бўлсалар, йўқ, билишган, аммо ҳокимият
таъмаси виждонга қарши боришга маж-
бур қилган.

Норасмий уюшма сафига тарғиб
қилиш жараёнида ўз ақилларини тортиш-
га кенг эътибор қаратилган, — дейди ту-
ман ички ишлар бўлими жиноят-қидирув
бўлими бошлиғи Ойбек Барақбоев. —
Сайдуллоҳнинг амакисини Хужақишлоқлик
куёви Муҳаммадмусо Ходжоновнинг
қамоққа тушганлиги сабаби ҳам шунда. Ёки
булмаса, Оқангал қишлоғида Асқадullo
Эшболтаевнинг ўз аёли Тобарқонни ҳам
шу йўлга тарғиб қилган ва отаси Ултарам
жомеъ масжидида имом бўлган муҳтарам
зотнинг юзини шувёт қилиб кетгани фик-
римизга далил бўлади. Бунга қўшимча
қилиб шуни айтиш мумкинки, жорий йил
мобайнида туманда яшовчи 101 нафар но-
расмий уюшма аъзолари аниқланган. Улар-
нинг 3 нафарини аёллар ташкил қилди.
Улар ўз қилимларига яраша жазосини
олдилар.

Фикримизни мухтасар қилиб айтсак,
Улғу яратувчи илму дониш беришлик бил-
лан бирга қўшимчини ҳам, қўлогимизни
ҳам очиб қўйсак экан, йўқса юқориди кел-
тирилган тўғрисида қўшимча қилиш ҳеч
гап эмас.

Шароф Йўлдошев,
журналист.

МУМТОЗ ШОИРЛАР ТҲЙЛАРИ

• Фаргона вилоят
ҳокимлиги халқимизнинг
асл фарзандларини, ўзбек
адабиётининг йирик намо-
ядаси Муҳаммад
Аминхўжа Мукимийнинг
150 йиллиги ҳамда Ўзе-
кистон халқ шоири
Аскарли Хамралиев —
Чарқийнинг 100 йилли-
ғини нишонлаш турисида
қарор қабул қилди.

М у қ о м и й н и н г
«Савҳатнамаси» асарида
курсатилган манзиллар
бўлаб ижодий экспеди-
ция ўтказиб, атоқли шо-
ирлар ижодини урганиш,
асарларини чоп этиш ва-
зифалари белгиланди.
Мукимий ва Чарқийнинг
уй-музейларини қайта
жиҳозлаш, таъмирлаш
учун маблаг ажратишга
қарор қилинди.

ҚАДРИЛИК

Қадри Фазлиддин
РУСТАМОВ

Сизни туғилган қўрағиз
билан чин дилдан мувожа-
бат айтаймиз. Шундай
ичуқули оиларда қалбимиз
тўғрида барча эзу ният-
ларни сизга бахшиди эши-
дан мамнуний. Газетамиз-
нинг фаол мухбири сифа-
тида республикаимизда рўй
бераётган барча ўзгариш-
ларни қаламга олиб,
сермаҳсул ижод қилиши-
нигизга ривожлар тилаймиз.
Ҳеч қачон забол қўрмайсиз.
Униб-ўсиб, янада йўзал
мақолалар ёзиб, газетамиз-
нинг ижодий ютуқларини
кенгайтиришга бундан ҳам
қўпроқ ҳисса қўласиз де-
ган умиддамиз. Оиламиз
бахтига доим саломат
бўлиб, фарзандларинизнинг
камолтини кўриш.

«Адолат» газетаси
ижодий жамоаси.

Эълон
«Адолат» газетасига
масъул котиб, бош хисоб-
чи ва иш юритувчи котиб
қарор.
Мурожаат учун манзил-
гоҳ: Тошкент шаҳри, Мат-
буотчилик қумаси: 32-уй,
6-қават, 621-623-хоналар.
Телефонлар: 133-41-89;
136-55-96; 136-55-64.

RAMON
EDUARDO
ARELLANO
FELIX



USAMA
BIN
LADEN



JAMES
J. BULGER



VIKTOR
MANUEL
GERENA



GLEN
STEWART
GODWIN



JAMES
CHARLES
KOPP



ERIC
ROBERT
RUDOLPH



AGUSTIN
VASQUEZ
MENDOZA



ARTUR
LEE
WASHINGTON,
JR.



DONALD
EUGENE
WEBB



АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сийёси
Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий
жамоаси.

Бош
муҳаррир:
Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тўғрунпўлат ДАМИНОВ, Абдували
ҒУЛОММАХМудов, Улугбек ДОНИЕРОВ, Анвар
ҒУЛАМОВ, Акмал КОСИМОВ, Тўхтамурод
ЖҲРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбархўжа
РАХИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан
ХАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод
КИРҒИЗБОВ.

**Муроҷот учун
телефонлар:**
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар
бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими:
136-55-96.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 140.
Буюртма Г — 737,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет
усулида босилган.
Қўзғалдирич А — 2
Газета ИВМ
компьютериди
терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар
учун фақат муаллифлар жавоб беришлар.
Қўзғалдирич муаллифлари қайтарилмайдилар.
«Шарқ» нашриёт-натиба концерни басмачисиди.
Қорхона мақоми: «Буюк Тўғру» қумаси, 41.
Босилиш тўғрисида: Буюк — 20.00. Босилиш тўғрисида 21.00.
МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик қумаси-32.